РЕКРЕАЦИЯ МАҚСАДЛАРИДА ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШНИ БОШҚАРИШ

Рафикова Нодирахон Аъзамовна
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети
E-mail: nrafikova10@gmail.com

Аннотация. *Мақолада табиий омиллар, рекреация ресурслари ва мавжуд инфратузилма учун махсус ишлаб чиқилган мезонлар асосида ландшафтларни комплекс рекреация нуқтаи назардан баҳолаш уларнинг дам олиш, даволаниш ва туризмни ривожлантириш мақсадлари учун қай даражада қулай эканлигини аниқлаш мақсадида табиатдан фойдаланишда экологик барқарорлик даражалари турлича бўлган геотизим ресурсларидан фойдаланиш таҳлили асосида уни бошқариш масалалари баён этилган.*

Калит сўзлар: *геотизим, рекреация, рекреант, рекреация ресурслари, экологик барқарорлик, тизимли ёндашув, геоэкологик баҳолаш.*

Кириш.Ўзбекистоннинг табиий шароити ва ресурслари жуда хилма-хил бўлиб, айрим жойларда такрорланмас ва ўзига хосдир. Текислик геотизимларининг тоғ геотизимлари билан мужассамлашуви, тоғли ҳудудларда тоғ оралиғи ва тоғ олди сойликларининг мавжудлиги, текисликларда эса берк ботиқликлар, қолдиқ плато, тепалик ва тоғларнинг учраши табиий ресурслардан хўжаликда фойдаланишни жиддий тарзда мураккаблаштиради. Бу эса, энг аввало, геотизимлар экологик барқарорлигининг мозаик тусга эгалиги билан изоҳланади. Шунга мувофиқ, мамлакатнинг асосий геотизимлари барқарорлигини баҳолаш, прогнозлаш ва бошқаришни амалга ошириш муҳим амалий аҳамият касб этади. Шу нарса маълум бўлдики, геотизимлар экологик барқарорлигининг даражаси турлича бўлганда, уларга мутаносиб равишда, яъни ҳар бир тур учун алоҳида табақалашган бошқарув тамойиллари ва хўжалик юритиш усулларини қўллаш, бошқача айтганда, рекреация мақсадида табиатдан фойдаланишда маҳаллий ва минтақавий шарт-шароитларни қатъий ҳисобга олиш талаб этилади.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Инсон ҳаёти фаолиятнинг уч соҳаси – меҳнат, турмуш ва дам олишни қамраб олади. Улар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади, бироқ шу билан бирга ҳар бир соҳа муайян вазифа ва макон – ишлаб чиқариш, тураржой (селитеб) ва рекреация доирасида чегараланган. Ҳозирги замонавий шароитларда аҳолининг рекреация фаолияти, айниқса, долзарб аҳамият касб этади. Рекреация фаолияти – ишлаб чиқариш, уй меҳнати ва биологик эҳтиёжларни қондириш билан бир қаторда – инсонларнинг нормал ҳаёти учун зарур бўлган фаолиятнинг энг муҳим кўринишларидан бири ҳисобланади [8].

Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этилиши билан боғлиқ тарзда ишлаб чиқариш жараёнларининг мураккаблашуви, ишлаб чиқариш суръатларининг жадаллашуви, маълумотлар ҳажмининг кескин ортиши кучли ишлаб чиқариш чарчоғи ва инсоннинг мушак ҳамда юрак-қон томирлари фаолиятининг бузилишига олиб келмоқда. Бу ҳолат меҳнат қобилиятини тиклаш ва касб касалликларининг олдини олиш учун самарали шарт-шароитлар яратиш заруратини юзага келтиради.

Шу билан бирга, илмий-техник тараққиёт бир томондан иш вақтидан оқилона фойдаланишга ижобий таъсир кўрсатса, иккинчи томондан одамнинг шахсий вақтининг кўпайишига ижобий таъсир кўрсатади, мазкур бўш вақтдан эса сарфланган энергияни тиклаш, шахснинг ҳар томонлама маънавий ва жисмоний ривожланиши учун фойдаланиш мумкин бўлади. Бу эса, ўз навбатида, меҳнаткашларнинг малакасини

ўсишига, меҳнат унумдорлигининг ошишига ва шу тариқа жамиятнинг моддий ва маънавий бойлигини янада кўпайтиришга хизмат қилади.

Муҳокама ва натижалар. Табиий шароит ва бойликлар рекреация ресурсларининг алоҳида қисми сифатида тавсифланади. Инсон табиат қўйнида дам олади ва саломатлигини тиклайди, очиқ ҳавода кўп вақт ўтказади. Рекреация фаолияти табиий жиҳатдан қулай бўлган жойларни (геотизимларни) талаб этади, уларда мақбул дам олиш мумкин (масалан, ўзига хос манзараларга ва сув ҳавзасига эга бўлган тоғли водийлар, юмшоқ иқлимли, ёз фаслида сув сатҳи барқарор бўладиган кўл ёки дарёлар, сув ҳавзасига эга ўрмон ёки боғлар ва ҳ.к. бўлиши мумкин). Туристларни кўпроқ тоғли водийлар, тик ёнбағирлар, довонлар, баланд тоғлардаги абадий қор ва музликлар, тез оқимли дарё ва сойлар, табиат ёдгорликлари (ғорлар, шаршаралар ҳ.к.) қизиқтиради [7].

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳозирги вақтда дам олувчиларнинг аксари қисми мамлакат ташқарисига чиқмаяпти. Улар республикадаги яхши курортлар, санаторийлар, пансионатлар ва табиатнинг гўзал гўшаларида дам олиш ёки даволанишни режалаштирмоқда (гарчи бундай жойларда тегишли инфратузилма рисоладагидек мавжуд бўлмаса ҳам). Тоғли ҳудудларда қисқа муддатли дам олиш учун ташкилий жиҳатдан норасмий туристик гуруҳлар ва шаҳарликлар сони ортиб бормоқда. Бундай шароитларда мамлакат рекреация зоналаридаги табиий муҳит деградацияга учрайди; экологик мувозанат бузилади, сув ҳавзалари ифлосланади, янги сўқмоқ йўллар пайдо бўлиб, улардаги ўсимликлар йўқ қилинади, маҳаллий ёнғинлар сони ортади, туристлар қолдирган чиқиндилар туфайли табиат булғанади.

Табиий муҳит ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ: ***биринчидан*****,** рекреантлар томонидан табиат ресурсларидан фойдаланишга доир умумий қоидаларни ишлаб чиқиш; ***иккинчидан*****,** табиий муҳитдан фойдаланишни қонуний асосга ўтказиш, рекреация ҳудудида бўлиш учун муайян «яшил» солиқ тўлашни жорий этиш, ресурслардан фойдаланиш қоидалари бузилганда, айниқса атроф-муҳитни ифлослантириш, ёнғин чиқариш, доривор ҳамда Қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш, ҳайвонларни овлаш ва бошқа геоэкологик объектларга шикаст етказиш ёки йўқ қилганлик учун йирик миқдорда жарималар солиш; ***учинчидан*****,** рекреация ҳудудида табиат ресурсларидан фойдаланиш бўйича экологик маданият тарғиботини кучайтириш; ***тўртинчидан,*** махсус рекреацион хариталарни тегишли ададда нашр этиш, уларда дам олиш, чўмилиш жойлари, қизиқарли табиат объектлари (ёдгорликлари), ўрмонлар, пиёда сайёҳлар учун маршрутлар, баланд чўққиларга кўтарилиш учун қулай ёнбағирлар, булоқлар, ноёб тоғ манзараларининг жойлашуви, қайиқ, катамаран, гидроцикл ва чодирлар ижараси пунктлари, спорт майдончалари, овқатланиш ва дам олиш объектлари, кутубхоналар, дўконлар, меҳмонхоналар, кемпинглар, WiFi телефон тармоқлари ва бошқалар акс эттирилиши лозим.

Ўзбекистон рекреация учун табиий шароитлар ва ресурсларнинг мақбуллиги нуқтаи назаридан бой мамлакат бўлиб, бу ерда Чортоқ, Чимён, “Ботаника” ва бошқа жаҳон аҳамиятига молик курорт-санаторий мажмуалари мавжуд. Бироқ республикадаги мавжуд рекреацион салоҳият кўп сонли дам олувчиларни қабул қилишга қодир эмас. Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент, Самарқанд, Наманган, Фарғона ва бошқа вилоятлар ҳудудида нафақат мамлакат аҳолиси, балки хорижий сайёҳларни йил давомида

даволаш ва дам олиши учун янги марказлар ташкил этиш учун катта имкониятлар мавжуд.

Рекреация ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва курорт-санаторий мажмуалари, пансионатлар, дам олиш уйлари, болалар оромгоҳлари, сайёҳлик базалари ва бошқа объектларни табиий шароит ва ресурслар қулайлиги, инфратузилманинг мавжудлиги ҳамда мамлакатда рекреациянинг комплекс ривожланишини инобатга олган ҳолда оптимал жойлаштириш учун, ушбу ресурсларни харитага тушириш мақсадга мувофиқдир [2, 4, 3]. Шундай экан, 1:1000000 масштабда “Ўзбекистон Республикасининг рекреация ресурслари ва улардан фойдаланиш харитаси” тузиш мамлакатда рекреация фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш ва ривожлантиришда амалий аҳамиятга эга бўлади. Харита учун асос сифатида табиий муҳит ва табиий чегарага эга ареаллар доирасида ҳудудларнинг хўжалик юритиш тоифалари ҳақида тўлиқ маълумот берадиган ландшафтлар олиниши керак.

Табиий омиллар, рекреация ресурслари ва мавжуд инфратузилма учун махсус ишлаб чиқилган мезонлар асосида ландшафтларни комплекс рекреация нуқтаи назардан баҳолаш уларнинг дам олиш, даволаниш ва туризмни ривожлантириш мақсадлари учун қай даражада қулай эканлигини аниқлаш имконини беради. Бундай баҳолаш натижасида республикада рекреация фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш учун ландшафтларнинг қуйидаги қулайлик даражалари аниқланди: 1) жуда қулай; 2) қулай; 3) камроқ қулай; 4) ноқулай; 5) жуда ноқулай. Ландшафтларни тегишли комплекс рекреация мезонлари асосида шундай гуруҳлаштириш уларнинг мураккаблигига кўра табиий бойликлардан фойдаланишга дифференциаллашган ёндашиш ва ресурсларни рекреацион айланма ҳаракатга жалб этиш учун муайян босқичлар бўйича кетма-кетликни белгилаш имконини беради.

Рекреация нуқтаи назаридан жуда қулай ландшафт гуруҳлари мамлакатнинг тоғли ва тоғ олди қисмларида жойлашган (Чирчиқ, Оҳангарон, Қашқадарё дарёларининг ўрта ва юқори оқимлари ва ҳ.к.), бу ерда барча турдаги дам олиш, даволаниш ва туризмни ривожлантириш учун жуда қулай табиий шароит мавжуд [8, 11, 12, 13, 14, 15].

Бу ерда республикадаги барча машҳур курортлар ва санаторийлар, дам олиш уйлари, болалар оромгоҳлари, машҳур турбазалар жойлашган. Бироқ бу ҳудудларда фойдаланилмай келаётган кўплаб ресурслар ҳам мавжуд бўлиб, улар асосида даволаш муассасалари, дам олиш уйлари ва болалар бальнеологик мажмуаларини барпо этиш учун жуда қулай шароитлар бор. Бетакрор тоғ манзаралари, кўллар, ғорлар, шаршаралар ва табиатнинг бошқа ноёб намуналари сайёҳларни жалб қилади [5, 6].

Рекреация учун қулай ландшафт гуруҳлари тоғ олди зоналари ва айрим дарё водийларига (хусусан, Сурхондарё, Зарафшон, Сўх, Санзор ва бошқ.) хосдир. Бу ҳудудларда турли минераллашиш, ҳарорат ва кимёвий таркибга эга шифобахш ер ости сувлари ҳамда шифобахш балчиқлар мавжуд. Самарқанддан 50 км шимоли-шарқда, Қорадарё водийсида жойлашган "Нагорная" дам олиш уйидаги минерал сув радонли, хлорид-сульфат-натрий таркибга эга, кам минераллашган (1,2 г/л) бўлиб, у Кавказдаги машҳур Цхалтуба сувига монанд хоссаларга эга. Қашқадарё ҳавзасида, денгиз сатҳидан 850 м баландликда жойлашган “Хўжайипоқ” дам олиш уйининг ер ости шифобахш сувлари водород-сульфатли, ўртача минераллашган (5-15 г/л), сувининг ҳарорати

+21°C; бу жиҳатдан мазкур сувлар Шимолий Кавказдаги Пятигорск, Горячий Ключ каби шифобахш сувларга жуда ўхшайди [1].

Рекреация учун камроқ қулай ландшафт гуруҳлари тоғ олди пролювиал текисликлари, аллювиал конуслар ва Амударё, Сирдарё ва б. дарё водийлари дельталарига хосдир. Бу ерларда ёзда ҳаво жуда иссиқ, ҳавонинг нисбий намлиги паст (15–20%), дарёлар ва сув омборларининг сув сатҳи барқарор эмас, дарё бўйи табиий тўқайзорлар кучли таназзулга учраган, баъзи жойларда кесиб ташланган ёки буткул йўқолиб кетган. Суғориш каналлари бўйларида ҳам иҳота дарахтзорлари йўқ, бу ерларда фақат алоҳида махсус ҳудудлардагина мавсумий фойдаланиладиган кичик дам олиш уйларини учратиш мумкин. Шу мақсадда эрта баҳорда эфемер ва эфемероид ўсимликлар, шифобахш ўтлар орасида дам олиш ҳамда фитонцидларга тўйинган тоза баҳор ҳавосидан нафас олиш учун қисқа муддатли туристик маршрутларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шифобахш хусусиятга эга ер ости сув қудуқларининг мавжудлиги, тегишли инфратузилма яратилиб, дам олиш уйларини ташкил этишни тақозо қилади. Бунга Сурхондарёнинг қуйи оқимида жойлашган «Жайронхона» дам олиш уйини мисол қилиш мумкин, бу ердаги қудуқ хлорид-сульфат-натрий таркибли ер ости сувига (минераллашиш даражаси 30-35 г/л) эга. Шу каби яна бир дам олиш уйи (“Муборак”) Қашқадарёнинг қуйи оқимида жойлашган.

Ноқулай ва ўта ноқулай ландшафт гуруҳлари республиканинг чўл зоналарини (жумладан, Қизилқум чўли, Устюрт платоси, Қарши даштининг бир қисми) эгаллайди; маълум табиий сабабларга кўра бу ҳудудлар рекреацион иншоотлар ташкил этиш учун яроқли эмас. Бироқ бу республика чўл ҳудудининг барчаси рекреацион объектлардан маҳрум дегани эмас. Бухоро, Хоразм, Қорақалпоқ воҳалари турли архитектура, тарихий, маданий, маънавий мажмуаларга бой бўлиб, жаҳон аҳамиятига эга. Ушбу масканларга Бухоро, Хива, Вобкент, Тўрткўл, Кармана ва бошқа шаҳарларнинг меъморий ёдгорликлари киради, бу жойларга йил давомида маҳаллий ва хорижий туристлар оқими талпинади.

Юқоридаги маълумотлар билан бир қаторда, барча йирик меъморий, тарихий, маънавий, маданий ва қизиқарли табиий ёдгорликларни, шунингдек, сайёҳларга хизмат кўрсатувчи объектлар ҳамда томоша ва маданий-маърифий муассасаларни махсус белгилар орқали харитада акс эттириш керак. Шаҳарларнинг (Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон ва бошқ.) харита-кесмаларида йирик бозорлар, музейлар, уй-музейлар, театрлар, кўргазма заллари, маданият саройлари, ҳайвонот боғлари, концерт заллари, кутубхоналар, спорт иншоотлари, универмаглар, ресторанлар, кафе, чойхоналар, метрополитен йўлининг схемалари ва бошқаларни кўрсатиш мақсадга мувофиқ [9, 10].

Асосий харитада шаҳарлар ўртасидаги асосий туристик маршрутларни, айниқса Тошкентдан чиқадиган (республика миқёсидаги) ҳамда вилоят марказларидан чекка ҳудудларга кетадиган (маҳаллий) йўналишларни, шунингдек аэропортлар, автовокзаллар ва темирйўл вокзалларини кўрсатиш лозим.

Харита ички ва чет эллик меҳмонлар оқимлари бўйича, ҳеч бўлмаганда, 1990, 2000, 2010, 2020, 2030-йилларда вилоятлар кесимидаги туристик статистик маълумотларни, туризмни ривожлантириш, янги маршрутларни очиш ва янги даволаш ҳамда дам олиш объектларини барпо этиш истиқболларини ҳам акс эттириши керак.

Ушбу харита илмий-маълумотнома тавсифига эга бўлиши, шунингдек рекреантлар эътиборини ўзига жалб этадиган республика табиатининг ноёб объектлари ва қадимий шаҳарлар меъморий ёдгорликларини акс эттирувчи чиройли рангли фотосуратлар билан безатилган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса ва таклифлар. Экологик барқарорлик паст бўлган ҳудудларда рекреация мақсадларида табиатдан фойдаланиш ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, республиканинг тоғ ва тоғ олди ҳудудлари нисбатан барқарор ҳисобланади, бироқ рекреацион фаолиятнинг кенг кўламда ривожланиши натижасида маҳаллий майдонларда табиий мувозанатнинг бузилиши ва салбий антропоген ҳодисалар юзага келиши мумкин. Бундай вазиятларда минтақанинг табиий ресурсларидан фойдаланишда унинг экологик барқарорлик хусусиятларини инобатга олган ҳолда оқилона ёндашув талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Abdusalomova R.D. Turizmning atrof-muhitga ta’siri va uning ekologik oqibatlari. – Namangan, “Iqtidorli talabalar ilmiy xabarlari” ilmiy-uslubiy jurnal 1-son. 2023. – B.135-145. 14
2. Глебова И.А. Рекреационное природопользование Кавказа. – М.: Молодой ученый. 2023. №6 (453). – С. 130-133. 4
3. Мажар Л.Ю. Территориальные туристско-рекреационные системы. – Смоленск: Универсум, 2021. – 212 с. 6
4. Мироненко Н.С. Рекреационная география. – М.: МГУ, 2019. – 208 с. 5
5. Naimov H. N. The impact of human activity on mountain and sub-mountain landscapes and issues of their elimination. – Ош. Вестник Ошского Государственного университета. 2022. – С. 165-171. 11
6. Naimov H. N. Suv omborlari va ularning atrof-muhitga bo’layotgan ta’siri // Farg‘ona vodiysi geograflari uyushmasining ilmiy-amaliy seminari materiallari. – Namangan, 2023. – B.38-46. 12
7. Пыжова О.А. Оценка культурно-исторических ресурсов как важнейшей составляющей туристско-рекреационного потенциала Псковской области. – М.: Научная электронная библиотека «Киберленинка». 2021. Географический вестник 4(59). – С. 12-15. 3
8. Рафикова Н.А. Проблемы рекреационного природопользования в Узбекистане. Материалы международной научно-практической конференции «Современная география: научно-методологические основы инновационного развития». Ургенч. 2023. – С. 33-35. 1
9. Рафикова Н.А., Усманова Р. Экологическая устойчивость геосистем Узбекистана: оценка, прогноз, управление и проблемы рекреационного природопользования. Материалы международной научно-практической конференции «Устойчивое экономическое развитие и управление региональными ресурсами». Ташкент – Ноттингем, 2011. – С. 12-15. 2
10. Саттаров М.Э. Туристические ресурсы в зоне Чарвакского водохранилища и их воздействие на окружающую среду. XVII Всероссийская научно-практическая конференция «Экология родного края». – Киров, 2022. – С. 20-25. 12
11. Сиддиқов С. Ш., Саттаров М.Э., Чорвоқ сув омбори атрофидаги экологик муаммолар. – М.: Экономика и социум. 2022. №11 (102), – С. 47-52. 7
12. Сиддиқов С. Ш. Экотуристик маршрутлар тузиш ва уларнинг атроф-муҳит муҳофазасидаги аҳамяти. Journal of Geography and Natural Resources. Vol 04, Issue 04, 2024. – Pp. 30-38. 8
13. Сиддиқов С. Ш. Саттаров М.Э. Современное состояние окружающей среды Чарвакского водохранилища. XVII Всероссийская научно-практическая конференция «Экология родного края». – Киров, 2022. – С. 222-225. 9
14. Siddiqov S.Ш. Chorvoq ərkin turistik zonasiga antropogen omillar ta’siri va ularning innovasion echimlari. «Geografiya fani va raqamli iqtisodiyot: muammo va istiqbollar» xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari. – Namangan, 2023. – B.91-96. 10
15. Sharipov Sh., Naimov H.N. Investigitation of the impact of tourism on the territory of free tourist zone “Charvak” using modern GIS technologies. “Orol dengizi qurishining atrof-muhitga ta’siri” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman to‘plami. – Toshkent, 2024. – B. 598-605. 15